



MCHJ "Audit Union" AT

Manzil: 220100 Xorazm vil. Urganch sh. Sheroziy 9 Tel: 62 228 43 71.

Elektron manzil: audit-union@mail.uz

Litsenziya raqami: AF № 00841 16.03.2020 y XXTUT: 69202 INN: 306 959 312

X/R: 2020 8000 2051 5519 6001 MFO: 00547 Milliy bank Urganch bo'limi

"Хоразмсувқурилиш" АЖ раҳбариятига
(СТИР 201 028 661)

Молиявий ҳисобот аудит натижалари бўйича хulosса

Фикр

Биз "Хоразмсувқурилиш" АЖ нинг 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётгац молиявий ҳисботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисботлар "Хоразмсувқурилиш" АЖ нинг 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни ва Бухгалтерия миллий стандартларига мувофиқ тўғри акс эттиради.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хulosанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) "Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ" Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисбот аудитига тегишли қонун ҳужжатига, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексда белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганимиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисблаймиз.

Аудитнинг муҳим масалалари

Аудитнинг муҳим масалалари - ушбу масалалар, бизнинг профессионал муроҳазамиздан келиб чиқсан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисбот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни ва Бухгалтерия миллий стандартларига мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган аҳборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгардир, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АҲСларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олиш имкониятига эга эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиласиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик риски хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик рискидан юқори, чунки фирибгар соҳталаштириш, қасдан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;

- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хulosса қиласиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хulosага келсак, аудит ҳисботида молиявий ҳисботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хulosамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажақдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисбот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз жамият раҳбарияти билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида мулоқот қиласиз.

Биз шунингдек, жамият раҳбарияти аудитнинг мустақиллигига тегишли барча аҳлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз жамият раҳбариятига хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа хужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хulosага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Мустақил аудит ўтказган аудитор

Рахимов

Ў.Тажибаев

**“AUDIT UNION” АТ МЧЖ аудиторлик
ташиқилоти раҳбари**

Рахимов

Б.Рахимов

Хоразм вилояти Урганч шаҳри



“31” марта 2023 йил